

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимкулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосийёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматкулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Кўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Саидова	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....	246

УДК: 37.035.7

ЗЕБО ҒАНИЕВА ЖАСОРАТИ
ОТВАГА ЗЕБО ГАНИЕВОЙ
THE COURAGE OF ZEBO GANIEVA

М.Нуъмонжонова¹

¹ М.Нуъмонжонова

– ФарДУ, 2-босқич талабаси.

Аннотация

Москва остоналарида жасорат кўрсатган, кўплаб қаҳрамонлар орасида Тўмарисдек довурак Зебо Ғаниева номи кўпчиликка нотанишдек туюлади. Мақолада ҳақиқий ўзбек аёлнинг мардонавор кураши, унинг қизиқ тақдири, урушдаги жасорати тўғрисида сўз боради.

Аннотация

Имя Зебо Ганиевой, проявившей отвагу на подступах к Москве, такой же бесстрашной, как и Тумарис, многим может показаться незнакомой среди известных героев. В статье рассказывается о мужественной борьбе настоящей узбекской женщины, ее интересной судьбе, отваге, проявленной на войне.

Annotation

The name of Zebo Ganieva, brave on the threshold of Moscow, as brave as Tumaris, among the many heroes seems unfamiliar to many. Interesting is the struggle of a real Uzbek woman, her fate, perhaps it will make you think. It tells about his courage in the war.

Таянч сўз ва иборалар: уруш, жасорат, фронт, оғир жанглар, кураш, озодлик, душман, дивизия, маънавий жасорат, ҳарбий қисм, Ўзбекистон.

Ключевые слова и выражения: война, отвага, фронт, тяжелые бои, борьба, свобода, враг, дивизия, нравственный подвиг, воинская часть, Узбекистан.

Keywords and expressions: war, great courage, front, heavy fighting, struggle, freedom, enemy, division, spiritual courage, military unit, Uzbekistan.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплар қатори, Ўзбекистон аёллари ҳам фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшганлар. Мамлакатимизнинг олти минг нафарга яқин фидойи қизлари ва аёллари фашизм босқинчиларига қарши жангларда қатнашган. Улар орасида хужум авиация полки кузатувчиси Сайёра Шукурова, мерган Раҳима Алимова, жангчи қизлар Роза Ибрагимова ва Сабира Мажидова, шунингдек, ҳарбий қисмни, ўз ҳаёти эвазига қутқарган радио оператори Елена Стемковская ва снайпер Зебо Ғаниева жасоратлари асло унутилмайди.

А.В.Луначарский номидаги Москва давлат театр санъати институтининг талабаси Зебо Ғаниева урушнинг дастлабки кунларидаёқ, юз минглаб талабалар қаторида урушда кўнгилли равишда қатнашди. У 1923 йил 20 августда Озарбайжоннинг Шамаха шаҳрида таваллуд топган. Зебонинг отаси озарбайжон, онаси ўзбек бўлган. 1937 йил Зебонинг онаси қатағон қилинди. Натижада отаси Паша Ғаниев қизининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида қизидан воз кечди. Ана шу тариқа

у 14 ёшида ота-онасидан ажралиб қолди. Шу йиллардан бошлаб бу қизнинг тақдири Ўзбекистон билан боғланди. У Тошкент Филармониясининг хореография бўлимига ўқишга кирди. 1940 йилда 17 ёшли Зебо Москвага кўчиб кетди. У ерда ГИТИСнинг актёрлик факультетида ўқишни давом эттирган. Фронт бўйлаб шундай оғир жанглар юз берардики, инсонлар қирувчи қуроллар олдида ожиз махлуқотга айланиб қолгандилар. Совет аскарлари баъзида душман ўлжасига айланиб, қириб ташланарди. Шундай вақтларда бир қанча партия органлари томонидан хотин-қизларни ҳам урушга сафарбар қилиш амалга оширилди. Зебони қисқа муддатли ўқ отиш курсларига юборишди. У ерда пулемёт ва мерган милтиғини отишни ўрганиб, тез орада моҳир разведкачи бўлди. Зебо Ғаниева 1941 йил 16 октябрдан бошлаб Москва вилоятининг Краснопресненский туманида қизил армия сафида жанг олиб борди. У Ленинград ва Шимоли - Ғарбий фронтда жанг қилар, радиооператор сифатида разведка гуруҳлари таркибида 16 марта душманинг олдинги чизиқларини кесиб ўтди.

Дивизия таркибида радио орқали мунтазам равишда душман ҳақида қимматли маълумотлар берарди. У дивизиянинг энг яхши снайперларидан бири ҳисобланиб, қисқа муддат ичида 21 та гитлерчини ўлдирди. Рассом Тоир Салаҳов Зебо билан бўлган суҳбатни шундай хотирлайди: “Тоир, мен 129 фашистни ўлдирдим”. 1941 йил 7 ноябрда Қизил майдонда 3-Москва дивизияси таркибида парадда қатнашади. Шундан сўнг у дарҳол Ватанни ҳимоя қилиш учун отланади. Журнал саҳифаларидан бирида “Душманни оловдек кўрқитувчи Зебо Ғаниева”, деб ёзиб қўйилади. “Душман бизнинг улуғвор ерларимизга ҳужум қилди. Ишчи ва меҳнаткашлар, сиз душманни енгасиз. Озодлик ва қадр-қиммат шараф, биз душманга уйларимизни, болаларимизни бермаймиз. Душманга ўлим!” дея даъват қилганди. 1943 йил 23 майда Ленинград вилояти, Молвотицкая тумани, Большое Врагово қишлоғи учун бўлган жангда Зебо Ғаниева ўзига хос жасорат кўрсатди. Сафдошлари орасида Нина Соловоя, Федор Кириллов ва Яков Коляк каби кичик лейтенантлар бор эди. Большое Врагово қишлоғида немис гарнизонига снайперларда отиш топшириғини олган Зебо Шарқ томонга қараб йўл олади. Бу пайтда кичик лейтенант Марченко қўмондонлигидаги гуруҳ жанг олиб бораётган эди. Зебо Ғаниева 130-пиёда дивизиясининг 528-пиёда полкининг командири, генерал-майор Павловдан 6 кишидан иборат аскарларни қабул қилиб олади. Ўн беш кишилик гуруҳ билан Марченконинг отрядига ёрдамга келади. Зебо жангчилардан бири билан қишлоқдаги харобадан айланиб ўтиб, душманни автоматдан ўққа тутди. Бу пайтда кучли отишма бошланди. Натижада, Зебо Ғаниева ушбу жангда оғир яраланади. Бу жангдан сўнг атоқли адиб Ойбек Зебога бағишлаб ўз кундаликларида шундай фикрларни ёзади. “Санъатни севган, саҳнада донг чиқаришга интилган бу қизчадаги жасорат чиндан ҳам ҳар қандай кишини ҳайратлантиради”. Шунингдек, унга атаб қуйидаги сатрларни ҳам битади:

Ўзбек қизи жанглар яловбардори
Сенгадир, хурматлар, сенгадир шонлар
Меҳринг-ла, лим тўлди ўзбек диёри
Изингдан боражак минглаб арслонлар.

У жанглар давомида 33 марта операцияни бошдан ўтказди. “Москвада

Театр санъат институтининг биринчи курс талабаси Зебо Ғаниева билан учрашдим. Олд томондан у мерганлик маҳоратини эгаллади. Шимоли-Ғарбий фронтнинг энг яхши мерганларидан бирига айланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Зебо икки йил касалхонада ётди. Ҳаёт, соғлиқ учун кураш... Кейин билим учун тенг даражадаги қайсарлик – кураш...” Урушдан кейин у институтни, сўнгра аспирантурани битириб, илмий даража олди. 1955-1956 йилларда Боку Олий партия мактабининг тил ва адабиёт кафедре мудири, 1956 йилдан бошлаб у СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатди. Ғалабадан сўнг Зебо 1945 йил Наби Ғаниев режиссёрлигидаги “Тоҳир ва Зухра” фильмида Хоразм маликаси ролини ўйнайди. Унинг урушдан кейинги тақдири Озарбайжон дипломати Тофиқ Қодиров билан боғланди. Ўғли Марат Қодиров, турмуш ўртоғи билан Москвага қайтиб келди, 2010 йилда Москвада вафот этди.

Инсонни ўйлашга, мушоҳада юритишга чорловчи бу ҳаётини воқеалар уруш аёлларини маълум чизгида ифодалашига аминман. Урушдан сўнг ҳам улар тун ярмида уйғониб кетишар, ўзлари танимаган, аммо душман деб билган фашистлар уларга тинчлик бермасди. Уруш келтирган жароҳат уларнинг қалбларида ўчмас из бўлиб қолди. Яна бир ҳаётини воқеа – 1943 йил сентябрда Украинанинг Вербовое қишлоғи остонасида ярадорларни қутқариб, Валерия Гнаровская 194 та граната билан душман танкининг тагига ўзини ташлади ва ўнлаб аскарларни яқинлашиб келаётган ўлимдан асраб қолди. Улар бу жанггоҳларда бир қанча сониялар ичида одамлар орасини тарк этдилар. Тинчлик сизу бизга, аждодларимизда улуғ мерос эканлигини англаш, уни асраб-авайлаш эса улуғ бурчдир. Бугунги кунда, айниқса, аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, улар учун яратилаётган имкониятларнинг чегараси йўқ. Инсон ҳаётидаги энг буюк жасорат маънавий жасорат эканлигига яна бир бор аминман. Уруш учун қанчалик ожиза бўлмасин, ўзида кучли жасорат топа олган Зебо Ғаниева сингари аёллар маънавий жасорат тимсоли бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 23 октябрда

“Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги 4495-сонли қарор билан Тошкент шаҳри Олмазор туманида Ғалаба боғи ҳамда унинг ҳудудида “Шон-шараф музейи” бунёд этиш ташаббуси билан чиқди. 2020 йил 9 майда бу музей фаолият

бошлади. Қисқа муддат ичида мингдан ортиқ жангчилар ҳаётига оид изланишлар олиб борилди. Шундай мард жангчилар орасида Зебо Ғаниеванинг ҳам фотоальбоми, мерганлик милтиғи музейга жойлаштирилди. Музей майдонида кўплаб жангчилар орасида унинг ҳам ҳайкали қад ростлади.

Адабиётлар:

1. “Работница” журнали. -1942 йил. -№ 19-20 сон.
2. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 12-жилд. –Т.: 1978.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).